# ГЎЗАЛЛИК ВА БАҲОР БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МЎЪТАБАР АЁЛЛАР!


ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 5-mart, 10 (599)-son

Sotuvda narxi erkin




## АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ОПА-СИНГИЛЛАР!

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъати ва шахсан ўз номимдан Сиз азизларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, шахсий ҳаётингизда бахт-саодат, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, алоқа соҳасидаги шарафли меҳнатингизда муваффақиятлар тилайман.*

**А.АРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори**

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

● ***Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) 2003 йил май ойида Москвада ўтган саммитида унинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди. Шунга биноан жорий йилнинг 1 январидан пойтахтимизда ана шу қўмита ўз фаолиятини бошлади.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 март куни мазкур муассаса билан танишди.***

● "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" Ўзбекистон гуманитар журнали янги сонининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маълумки, ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги ушбу журнал 1998 йилдан буён чоп этилади. У илмий-ахборот нашри ҳисобланиб, ҳар бир сони жамият ҳаётидаги муҳим қирраларни таҳлил қилиши билан ажралиб туради.

● ***Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йил якунларига бағишланган ушбу йиғилишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.***

● Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Чунг Жай Чин Бухоро Давлат университетига ташриф буюрди. Элчи жаноблари ҳамда KOICA агентлиги президенти Ин Ён Сонг талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ўқув жараёнига жорий этилаётган янги амалиётлар ёшларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашларида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

● **Халқаро ҳамкорлик марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳузурида ташкил этилган ўзбек-япон маркази бизнес курсининг навбатдаги битирувчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.**

**Муҳаммад ЮСУФ**

## СИЗ ЎША

Гулим, меҳр кўзда дегани — ёлғон,
Сиз менинг дилимда ўчмас ёлқинсиз.
Қанча кўришмасак, шунча қадрдон,
Қанча олис бўлсак, шунча яқинсиз.

Девона ошиқман, мен бир девона,
Айтинг, сиздан бўлак кимим бор яна?..
Сиз йўқ чоғимдаги дунём бегона,
Сиз йўқ боғимдаги гуллар ёқимсиз.

Сиз — аччиқ қисматим, сиз — изтиробим,
Сиз — ширин дардимсиз, ширин азобим.
Сиз — менинг кўклардан топган офтобим,
Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.

Ёдимда кечаги шўхликларингиз,
Кипригимга теккан киприкларингиз,
Сиз ўша — орзуси ойдин ойдин қиз,
Сиз ўша — кулгуси қўнғироғимсиз.

Сиз ўша — кўнглимга кўнгли ин қурган,
Сиз ўша — жонимнинг устида юрган,
Тўкилай деб тилим учида турган
Шеъримсиз, куйимсиз, битмас оҳимсиз!

HAY'ATDA

# ҲУДУДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Агентлик Бош директори А.АРИПОВ бошқарган ушбу мажлисда "Ўзбекистон алоқа маъмуриятининг, рақамли эшиттириш режасини тузиш бўйича ҳудудий конференцияга тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш ишлари ҳақида" Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М.Холмуратова сўзга чиқди.***

**Маърузада** таъкидланишича, ер усти рақамли эшиттиришни жорий қилиш стратегияси ҳамда аналог эшиттириш бўйича Стокголм-61 ва Женева-89 битимларини қайта кўриш ва умумийлаштириш бўйича Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ) томонидан қабул қилинган 1185 ва 1180-сонли Резолюцияларга ва МДҲ мамлакатларини киритган ҳолда кенгайтирилган режалаштириш ҳудудлари бўйича Вакиллик конференциясида (Марракеш, 2002) қабул қилинган СОМ 5/3 Резолюциясига асосан рақамли эшиттириш режасини ташкил қилиш бўйича Ҳудудий радиоалоқа конференцияси (ҲРК-04)нинг биринчи сессиясини ўтказиш кўзда тутилган. ҲРК-04 2004 йил, 10 майдан 28 майгача Женева шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон алоқа маъмурияти томонидан ҲРК-04га тайёргарлик ишлари фаол олиб борилпти. Республикада рақамли эшиттиришни ривожлантириш масаласи бир неча марта Ҳайъат ва Радиочастота давлат комиссияси мажлисларида кўриб чиқилган. РЧДК қарорларида афзал стандартлар белгиланган ва республикада рақамли телерадиоэшттиришни ривожлантириш учун радиочастота полосалари бириктирилган, телевизион кўрсатишни ривожлантириш учун частота ўзлаштириш режаси тасдиқланган. 2002-2003 йиллар мобайнида ХЭИнинг Халқаро частота регистрига 718та станциялар киритилган. Рақамли эшиттиришни жорий қилишнинг синов ҳудуди аниқланган.

Ҳудудий алоқа ҳамдўстлиги (ҲАҲ) алоқа маъмуриятлари Кенгашининг 30/2-сонли қарорига асосан ҲРК-04га тайёргарлик алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик доирасида амалга оширилмоқда ва мазкур Конференция учун (ҲАҲ)нинг умумий позицияларини ва тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларида Ўзбекистон алоқа маъмурияти ҳам қатнашяпти.

ҲРК-04га тайёргарлик олиб боришда республикада мавжуд ва режалаштирилаётган аналог телевизион станцияларнинг рўйхати тузилди ва (ҲАҲ) ИК орқали Халқаро электралоқа иттифоқига юборилди.

Шунингдек, маърузачи (ҲАҲ) алоқа маъмуриятларининг умумий таклифлар лойиҳаси Тайёрлов комиссиясида кўриб чиқилгани ва маъқуллангани ҳамда бошқа масалаларга тўхталиб ўтди.

Ҳайъатда кўрилган ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги** Бош директори буйруғига кўра, алоқа соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соҳанинг ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси ва фидокорона фаолияти учун "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Андижон Телеком" филиали директори **Мажид Ҳамидович ҚОДИРОВ** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "МОҲИР АЛОҚАЧИ" фахрий унвони билан тақдирланди.

Мукофот муборак бўлсин!

# ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

***Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ҳар бир маъмуриятнинг биринчи галдаги вазифасидир. Бу борадаги ишларнинг кўнгилдагидек йўлга қўйилиши учун раҳбарият ва касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорликда тинмай ишлашса, ишчилар манфаатлари ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатиб боришса, нур устига аъло нур бўлади.***

***“Қашқадарё почтаси” АЖда бу борада ҳар йили кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилдора ХАЛИЛОВА қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— **Ўтган йили** биз учун унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Корхонамиз Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ДАК томонидан тузилган дастур асосида ўзининг ички дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастурга биноан аҳолига қулайлик яратиш ниятида олтита сўзлашув пункти ташкил этилди. Қарши шаҳрида яшовчи бир неча кам таъминлаган оилаларга ҳамда вилоят ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш марказига, шунингдек, шаҳардаги 10-ўрта мактабни таъмирлаш ишларига ёрдам кўрсатилди. Буларнинг барчасини инсонни, жамоани қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар дейиш мумкин.

Соғ танда — соғлом ақл деганларидек, оромгоҳларда мириқиб дам олишлари учун болаларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Натижада келажагимиз бўлган болалар ёзги таътилдан фойдали ва мазмунли дам олиб қайтишди.

Бугунги куннинг энг муҳим ишларидан бири саналмиш болалар спортини ривожлантиришга, спорт майдончаларини қайта таъмирлаш ва тиклашга алоҳида эътибор берилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Умуман, болалар тақдири, ёш авлод келажаги, ижтимоий ҳимоя эртанги куннинг тотли мевасидир, деб бемалол айтиш мумкин.

Иш бор жойда камчилик бўлади. Имкон қадар ходимларимизни қонун доирасида ҳимоялаш, улар меҳнатини рағбатлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳаракат бор жойда баракат бўлади, — дейди халқимиз. Дарҳақиқат, дам олишни кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида ходимларга “Қашқадарё соҳили”, “Мираки” санаторияларига йўлланмалар берилди.

Ижтимоий ҳимоя кўп ишчилар муаммосини ечади. Шунинг учун моддий ёрдам кўрсатишни унутмаймиз. Хуллас, инсонни ижтимоий ҳимоялаш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

**Б.МУРОДОВ ёзиб олди**


**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”**

**АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

Ёшариш ва янгиланиш фасли бўлмиш баҳорнинг илк айёми — **Халқаро хотин-қизлар куни** муносабати билан барча аёлларимизни, жумладан, алоқа соҳасининг жонкуяр ходималарини қизгин қутлайди.

Муҳтарама аёллар! Барча эзгу ниятларингизни амалга оширишда сизларга мустаҳкам соғлиқ ва куч-қувват тилаймиз.

**Хонадонингиздан ҳеч қачон тинчлик-тотувлик, қут-барака аримасин!**


*Одамлар ичида хотин кишига ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи — унинг онасидир.*

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИДАН

# МАҲАЛЛАМИЗ ХАБАРЧИСИ

***Дилором Сатторова** ўрта мактабни тугаллаганидан сўнг ҳеч иккиланмай Сариосиё шаҳарчаси Марказий почта бўлимига ишга келган эди. Мазкур бўлимда хабарчи бўлиб ишлаётган Санобар Жабборова, Елена Нагайцева, Сония Ҳамидова сингари ўз касбининг усталаридан иш сирларини ўрганди, тажриба орттирди. Билимини янада ошириш учун касб-ҳунар билим юртининг почта операторлари бўлимини сиртдан ўқиб битирди.*

**Мана 22 йилдирки,** Дилором оддий хабарчи сифатида ҳалол ишлаб келмоқда. Йиллар давомида касб маҳоратини пухта эгаллаб катта жамоада ҳурмат ва эҳтиром топди. Икки ўғил, бир қизни вояга етказди.

Ҳозирда Д.Сатторова шаҳарчанинг А.Навоий, М.Улуғбек ва Охунбобоев маҳаллаларида истиқомат қилаётган аҳолига намунали почта хизмати кўрсатмоқда. 320 нафар пенсионерларга пенсия пулларини, 220дан зиёд обуначига газета-журналларни, юборилган хат ва хабарларни, турли хил тўлов қоғозларини эгаларига муддатида элтиб беришга астойдил ҳаракат қилади. Шунингдек, қатор корхона, ташкилот ва муассасалар идоралари обунасини пешма-пеш етказишга астойдил интилади. Бир сўз билан айтганда, у барча мижозларга хизмат кўрсатишда касб одоби талабларига қатъий амал қилувчи мутахассисдир.

Яқинда Марказий почта бўлимини қайта таъмирлаш ҳамда замонавий услубда жиҳозлаш ишлари қисқа муддатларда амалга оширилди. Ана шу ободончилик ишларини ниҳоясига етказишда катта меҳнат тажрибасига эга бўлган Д.Сатторованинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бордир.

**С.ЭШМИРЗАЕВ,**
**“Сариосиё” газетаси бўлим муҳаррири**



**Суратда: Дилором САТТОРОВА** янги келган газета-журналлар ҳамда хат-хабарларни эгаларига тарқатишга ҳозирланаётган пайт.


**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ”**

**ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**



Мамлакатимиз хотин-қизларини, оналаримиз, опа-сингилларимизни, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча алоқачи аёлларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади.

**Баҳорнинг илк байрами кунларида сизга баҳорий кайфият, севги-муҳаббат ва гўзаллик ёр бўлсин!**

**Барча эзгу истакларингиз рўёбга чиқсин, азизлар!**

## "ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ"

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

8 Март

Мунис онахонларимизни, лобар опа-сингилларимизни нафосат байрами — **8 март — Халқаро хотин-қизлар куни** билан қизгин табриклайди.

**Азиз аёллар!**

Байрамингиз муборак бўлсин. Чеҳрангиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасин. Доимо соғ-саломат бўлиб, иззат-эътиборда юраверинг!

## "СИРДАРЁ ПОЧТАСИ"

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**Халқаро хотин-қизлар байрами** муносабати билан барча ўзбек аёлларини, жумладан, алоқа соҳасида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизни самимий қутлайди.

8 март

Қалбимиз тўрида асраб келаётган энг эзгу тилакларимизни Сизга изҳор этгаймиз!

8 Март

*Сизга таъзим айлагай бутун бир дунё!*

## "НАМАНГАН ПОЧТАСИ"

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Халқаро хотин-қизлар куни билан юртимизда истиқомат қилаётган барча опа-сингилларимизни самимий қутлайди.

8 март

Азиз ва муътабар аёллар, байрамингиз муборак бўлсин! Бахт ва саодат, кулги ва табассум доимий ҳамроҳингизга айлансин!

## "ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ"

**ЖАМОАСИ**

Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барча аёлларни ҳамда мамлакатимиз хотин-қизларини кириб келаётган **8 март** билан чин юракдан муборакбод этади.

8 Март

Баҳорнинг илк айёми сизга бахт ва саодат келтирсин. Байрамона кайфият доимий ҳамроҳингизга айлансин!

HAMKORLIK UFQLARI

# “ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ”: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ

***Президентимизнинг 2002 йил, 30 майдаги “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони юртимизда барча телекоммуникация соҳалари қатори таксофон тармоғини ҳам кенг ривожлантиришга катта йўл очиб берди. Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида “Тошкент Таксофони” акциядорлик жамияти фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, республикамизда замонавий таксофонларни жорий этган ҳолда аҳолини юқори сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.***




**Албатта,** бу ишлар ўз-ўзидан бўлмас эди. Шунинг учун соҳага чет эл сармояси, хорижнинг шу тармоқ бўйича иш олиб борувчи етакчи компаниялари жалб этилди. Натижада 2003 йилнинг 8 июлида “Ўзбектелеком” АК ҳамда "Solan Communication" компанияси ҳамкорлигида “Тошкент Таксофони” қўшма корхонаси ташкил этилди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги мавжуд таксофон тармоғининг эскирган технологияларга асосланганлиги, ривожланиш жиҳатидан ҳам бошқа телекоммуникация соҳаларидан анча орқада қолганлиги ва бу ҳолат аҳолининг таксофонлар орқали телефон алоқасига бўлган эхтиёжларини тўла қондира олмаётганлиги сир эмас. Мазкур қўшма корхонани тузиш республикамизда таксофонлар хизматини ҳам телефон, факс, Интернет ва бошқа телекоммуникация тармоқлари сингари замон талаблари даражасида ривожлантириш борасидаги янгича қадамдир, — дейди корхона директори жаноб Меир Тал. — Қўшма корхона тузишда бекорга айнан "Solan Communication" компанияси танлангани йўқ. Ушбу компания таксофон тармоғи хизмати кўрсатиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Унинг таксофон аппаратлари энг замонавий талабларга жавоб бериб, махсус карталар ёрдамида маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Махсус таксофон карталари компания томонидан 1000 сўмлик (10 UNIT), 2500 (25 UNIT), 5000 (50 UNIT) ҳамда 10000 сўмлик (100 UNIT) қийматларда амалга киритилади. Ушбу карталарнинг универсаллиги шундаки, улардан нафақат таксофонлар, балки уй, иш, ҳатто уяли телефонлар орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Келажакда эса бу карталар билан мижозларнинг Интернетга боғланишлари ҳам йўлга қўйилади.




Ҳозирги кунда пойтахтимизда янги карточкали универсал таксофонларни бошқариш марказини ўрнатиш ишларини якунладик ва марказ дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтди. Таксофон аппаратларини лойиҳага асосан хорижлик шерикларимиз етказиб беришни ўз зиммасига олган. Айни дамда умумий сони 100 дона бўлган таксофонларнинг биринчи навбати етиб келди ва уларни тез кунлар ичида шаҳар кўчаларида ўрнатиш ишлари бошланади. Умуман олганда, жорий йилда Тошкентда 300га яқин таксофон ўрнатишни режалаштирганмиз.

Дарҳақиқат, “Solan Communication” таксофон аппаратлари замонавийлиги, фойдаланишга қулайлиги билан бирга чиройли дизайнга ҳам эгадир. Унинг сариқ рангдалиги эса барчанинг эътиборини ўзига тортади. Шунингдек, аппаратда ўзбек, рус ва инглиз тилларида ундан фойдаланиш қоидалари ёзилган. Шу билан бирга, компаниянинг таксофонларни бошқариш маркази томонидан ўрнатилган барча таксофонлар доимий кузатилиб, улар устидан мониторинг олиб борилади. Натижада қайси таксофоннинг қандай ишлаётганлиги, техник ҳолати, аппаратни бошқа жойга кўчириш ёки ўша ҳудудга қўшимча аппарат ўрнатиш масалаларини ҳал қилиш мумкин. Марказ пойтахтимиздаги мавжуд АМТ-69 русумидаги таксофонларни ҳам карточкалар орқали ишлашларини таъминлай олади.




Таксофон карталарининг ҳам бир қатор аҳамиятли томонлари бор. Жумладан, махсус карталар чип карталарига нисбатан анча арзон. Негаки, чип карталари ривожланган давлатларда тайёрланса, махсус карталарни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу карталар таннархини арзонлаштириш билан бирга маҳаллий ишлаб чиқариш иқтисодиётига ҳам яхшигина даромад келтириб, валютани тежаб қолади. Шунингдек, юқорида айтиб ўтилганидек, уни ҳар қандай телефонда ишлатиш мумкин. Уларга мамлакатимизнинг энг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидаларнинг акси туширилгани эса юртдошларимизда миллий ғурур туйғуларини кучайтириб, меҳмонларимизнинг ўлкамизга қизиқишини орттириши, шубҳасиздир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи одамларнинг кўпчилик мулкига беписанд қараши ва бузғунчиликка мойиллиги масалалари ҳамон долзарблигича қолмоқда. Буни шаҳримиз кўчаларидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган ёки тагтуги билан ўғирлаб кетилган таксофонлардан ҳам билса бўлади. Бу каби кўнгилсизликлар "Solan" таксофонларини четлаб ўтади дейиш катта хато. Агар хориждан келтирилаётган ушбу таксофонларнинг ўртача нархи 600 доллар эканлигини ҳисобга олсак, хавфсизлик масаласи янада жиддий тус олади. Буни тўғри тушунган корхона жамоаси ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш устида ишламоқдалар.

Маълумки, ҳар қандай корхона ва ташкилотнинг ривожланиши кўп жиҳатдан рақобат муҳитининг мавжудлигига боғлиқ. Республикамизда эса таксофон карталари хизмати бўйича рақобат кучаймоқда. Соғлом рақобат майдонида ўз ўрнига эга бўлиш учун қўшма корхона қатъий ҳаракат қилмоқда. Корхона жамоасининг хорижлик шериклари томонидан ташкил этилган махсус ўқув курсларида малака оширганликлари, аппаратларни ишлатиш ва бошқаришни пухта ўзлаштирганликлари ҳам шу мақсадни кўзлаб қилинган тадбирдир.

Хуллас, “Тошкент Таксофони” қўшма корхонасининг олтмишга яқин ходимлардан иборат аҳил жамоаси республикамизда замонавий карточкали универсал таксофонларни жорий этиб, аҳолини таксофонлар орқали юқори сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш йўлида тинмай изланмоқдалар. Яқин кунларда пойтахтимиз кўчаларида, метро, бекат, аэропорт ва бозорларида ривожланган мамлакатлардагидек энг замонавий таксофон аппаратларига кўзингиз тушса, билингки, бу қўшма корхона жамоасининг тинимсиз меҳнатлари самарасидир.

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Xabar”нинг махсус мухбири**


“ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ”

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Юртимиздаги барча аёлларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этади.



*Азиз онахонлар, опа-сингиллар! Шодлик ва бахт-саодат доимий ҳамроҳингизга айланишига, сизни ҳеч қачон баҳорий кайфият тарк этмаслигига тилакдошмиз.*

Айёмингиз қутлуғ бўлсин!



ОБЪЯВЛЕНИЕ!

**В связи** с утерей лицензий, выданных Узбекским Агентством Почты и Телекоммуникаций, за номером РТ №0000301 от 26 декабря 2002 года и РТ №0000300 от 15 апреля 2002 года на имя ОАО “Тошкент таксофони”, считать их недействительными.

## ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Аёлларини гўзаллик ва баҳор байрами Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлайди.

Эзгу ниятлар изҳор этиш насиб этган бугунги кунда Сизларга сиҳат-саломатлик, Яратгандан ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файз-барака тилаб қоламиз.

**Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси сизга қувонч келтирсин!**

## "СУРХОНДАРЁ ПОЧТАСИ"
### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртимиздаги мунис онахонларимиз ва опа-сингилларимизни нафосат ва гўзаллик байрами — Халқаро хотин-қизлар куни билан қизгин табриклайди.

8 Март

Азиз ва меҳрибон аёллар! Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг.

**Сизга осуда ҳаёт, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!**

## "ЎЗИ-ЖИЗЗАХ"
### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Азиз аёлларимизни 8 март — **Халқаро хотин-қизлар куни** билан чин дилдан табриклайди.

8 Март

Мунис онахонлар, латофатли опа-сингиллар! Байрамингиз муборак бўлсин! Доимо эъзоз-эътиборда, севиб-севилиб ва гулдек очилиб юраверинг!

## "ХОРАЗМ ПОЧТАСИ"
### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг барча аёлларини гўзаллик, нафосат ва муҳаббат байрами — 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этади.

Азиз онахонлар, мўътабар опа-сингиллар, Сизларни қутлаш бахтига мушарраф бўлганимиздан чексиз бахтиёрмиз.

**Сизларни ҳеч қачон гўзаллик, ёшлик ва латофат тарк этмасин!**

*Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Бежиз эмаски, Шарқда аёлни фариштага қиёс қилишади. Чунки фаришталар Аллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.*

**Ислом КАРИМОВ**

# БАҲОРГА ЎХШАЙДИ ЎЗБЕК АЁЛИ

***Аёл** — мунис она, муътабар опа-сингил, садоқатли ёр. Уларни ҳар қанча таърифласак оз.*

*Кўкламнинг илк айёми — 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси — Нодира МУҲАММЕДОВА билан қилган суҳбатимиз ҳам аёл ва баҳор хусусида бўлди.*

**Нодира Муҳаммедова** Тошкент Давлат юридик институтининг Суд-прокурорлик факултетини 1992 йилда тугатган. Сўнгра аспирантурада таҳсил олиб, "Судларда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш" мавзусида илмий иш билан шуғулланган. Икки нафар қизалоқнинг онаси.

**— Нодира опа, баҳорни севмаган инсон бўлмаса керак. Шундай эмасми?**

— Баҳорни мен фасллар келинчагига ўхшатаман. Ҳеч бир фасл баҳордек гўзал, фусункор бўлмаса керак. Қиру адирлар ям-яшил либосга бурканади, чўғдек қизғалдоқлар кўзимизни қамаштиради. Баҳор аёлга ўхшайди. Фикрларимни шоирнинг ушбу тўртлиги билан ифодаласам:

Мудроқ хаёлларни юборар сочиб,
Қўшиққа айланар кўклам шамоли.
Сумалак исидек азиз ва хушбўй,
Баҳорга ўхшайди ўзбек Аёли!

— Биласиз, оналар фарзандлари учун ҳар нарсага тайёр туради ва бунинг эвазига ҳеч нарса таъма қилмайдилар. Сизнингча, она меҳрининг ўлчови борми, умуман, фарзандлар она олдидаги қарзини уза оладими?

— Она шундай муътабар, муқаддас зотки, фарзандлар унинг олдида умр бўйи қарздордирлар. Ривоят қилишларича, бир йигит онаси берган оқ сутни оқлаш ниятида орқасига опичлаб, ҳажни зиёрат қилдиргани йўлга чиқибди. Манзилга етай деганда нафас ростлаб олиш учун бир жойда тўхтабди. "Мана энди онамнинг мен учун чеккан заҳматини оқладим", дея ўйлаб ўтирган экан, қаршисида нуроний бир чол пайдо бўлибди. Йигит салом бериб, ундан сўрабди:

**— Отахон, мен онамнинг сутини оқлаш учун опичлаб муқаддас Каъба зиёратига олиб келдим. Айтинг-чи, шу ишим билан онам олдидаги қарзимни уза олдиммикан?**

Нуроний дебди:

— Баракалла ўғлим, волидайи муҳтарамангизни шунча йўлдан опичлаб зиёратга олиб келибсиз. Лекин бу билан онангиз олдидаги қарзни буткул уздим, деб ўйламанг. Бу қилган хизматингиз волидангизнинг атиги бир кечагина ширин уйқудан кечиб, бешик қучоқлаб чиққанига тенг, холос.

Демак, оналар меҳру муҳаббатининг ўлчови чексиздир.

**— Сиз онангиз қадрига етишни қачон ҳис қилгансиз?**

—Ҳар қандай қиз ўзи она бўлгандагина онасининг қадрига етади дейишади. Мен эса бу туйғуни илм истаб онамнинг иссиқ, меҳрли оғушидан чиққан кунимданоқ билганман. Талабалик вақтларимда ҳам ҳар доим уларнинг ўрни билинган. Мусофирлик халтасини елкамга ортганимда, биринчи фарзандим дунёга келганида онажонимнинг қадрини англаганман.

Бугунги кунда фарзандларимнинг қайсарликлари, хархашаларини кўриб ўз болалигимни эслайман. Билиб-билмасдан мунису муштипар, хокисор онажонимнинг дилига озор етказганларимизни ўйлаб ўкинаман. Барибир оналар кечиримли бўлишаркан. Улардан сув келса симириб, тоғ келса кемиришни, сабр-тоқатни, метиндек иродали бўлишни, меҳрибонликни, раҳмдилликни ўргандим.

**— Она меҳрига бас келадиган куч мавжудми?**

— Ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай жўшқин туйғу она меҳрига қараганда заифдир. Қуёшдан сўрашибди:

— Сенинг тафтингдан зўрроқ ҳарорат борми?

— Бор, — жавоб берибди қуёш. — Она меҳри менинг тафтимдан кучлироқ.

Ўлимдан сўрашибди:

— Сенга бас келадиган куч борми?

— Бор! — дея жавоб қилибди ўлим. — Она меҳри мени ҳам чекинтиради.

Она меҳри тошни ҳам эритади. Меҳридарё оналаримиз доимо омон бўлишсин.

**— Аёл қалби нималарга қодир?**

— Оиланинг сариштаси, ҳар бир уйнинг фариштаси, хонадоннинг чироғи — аёлдир. Аёл қалби оёққа турса, ҳатто тоғлар бошин эгади. Аёл қалби — буюк бир қудрат. У бир умр қалбида фарзандини беминнат кўтариб юради. Оналар қалб қўри билан бир парча этдан баркамол инсонни тарбиялайди. Улар кўзининг нурини, сочининг қорасини, ёшлик ҳуснини фарзандларига бахшида этадилар.

**— Аёл бахти нимада?**

— Аввалambор, ҳар бир аёл соғлом, она бўлиш бахтига муяссар бўлсин. Уларга фарзандининг камолини кўриш, севимли ёр ардоғида бўлиш насиб этсин. Болали уй бозор — боласиз уй мозор, дейишади. Бола кўтарган аёл — энг бахтли инсон бўлса керак.

**— Касбингизга қизларингиз ҳам қизиқишадими?**

— Қизим Равина шифокор бўлмоқчи. Сапна қизим ҳиндшунос бўлиш орзусида. У ҳозирданоқ ҳинд тарихига, киносига, маданиятига қизиқади.

**— Киши севган касбига эришиш учун нима қилиши керак?**

— Ўқимай туриб ҳеч нарсага эришиш мумкин эмас. Инсон илм олиши, меҳнат қилиши лозим. Ўшандагина севган касбига эга бўлади.

**— Аёлларимизга байрам табригингиз.**

— Келинг, уни мана бу шеър орқали айтиб қўя қолай.

Аёллар бор экан, ҳаёт бор доим,
Аёллар бор экан, юрт обод доим.
Дунёда аёллар доим соғ бўлсин,
Хонадони, бағри нурларга тўлсин.

**Х.МАҲАМОВА суҳбатлашди**



RIVOYAT

## МУКАММАЛ МЎЪЖИЗА

**Шарқ** ривоятларидан бирида айтилишича, Қодири мутлақ мукаммал дунё яратишга аҳд қилибди. Шу мақсадда тундан кунни ажратиб, сув, ер ўсимлик, жониворларни, охирги куни эса эркакни яратибди. Яратганлари бир-бирига шунчалик мутаносиб эканки, уларнинг мукаммаллигига Қодири мутлақнинг ҳаваси келибди. Кейин қарасаки — аёл йўқ. Бахтга қарши лой ҳам тугаб қолганмиш.

Шунда у ойдан аёл жамолини, тундан қошу кўзини, мажнунтолдан сочини, камалакдан ранг, гуллардан ҳид олиб баданини, кийикдан нафислик ва ҳуркакликни, тонгдан мусаффоликни, айтганлари куй, хониш бўлсин деб, булбулдан навони, хуллас, ҳамма нарсадан бир чимдим, бир чимдимдан олиб аёлни яратибди. Натижада мукаммал дунё бир кам дунёга айланибди, ёлғиз аёлгина мукаммал эмиш.

Зеро, табиатда битта мукаммал мўъжиза бор, у АЁЛдир!

## МАҲОБҲОРАТ ҲИКМАТЛАРИ

***Ота-она меҳрига тўйиб ўсмаган бола бир оз очкўз бўлиб ўсади, меҳрга ташна бўлади.***

* * *

Фарзанд вужудини яйратган Она дуоларидир!

* * *

***Она — ҳоҳ сизники бўлсин, ҳоҳ бировники — барибир ҳамиша муътабар зотдир.***

* * *

Аёл ташландиқ ҳовлида ўсган бир дарахт эмаски, ҳар ўткинчи тош отаверса!

* * *

***Ота, она ва устоз дуосини Худонинг олий неъмати деб билмоқ керак.***

* * *

Она буюк мураббиядир. Унинг бирон-бир сўзига шак келтириш гуноҳ ҳисобланади.



## ГУЛ — МУҲАББАТ ТИМСОЛИ

***Биласизки,** гул — муҳаббат тимсоли. У шеъриятдагина эмас, инсон тафаккурида ҳам аллақачон тимсолга айланиб бўлди. Энтикиб-энтикиб гулни узаётган йигит севгилисига гул тилида севгисини изҳор этаётган бўлади. Қизариб-қизариб гулни олаётган қиз эса оддийгина гулни эмас, бутун бир бошли муҳаббатни қўлида ушлаб турибди гўё. Ўша энтикиш ва қизариш атрофида айланаётган гул, албатта, қип-қизил бўлади. Яъни қизил гул муҳаббат тимсолидир, изҳорнинг тилидир. Орага оқ гул ораладими, демакки — "айрилиқ оний яқиндур". Хуллас, гул ва унинг ранги инсон туйғуларининг ифода тилига айланган.*

*Мексикада шундай бир гул ўсади, у билан ҳамма туйғу ва ҳолатларни бемалол ифода этса бўлади: у тонгда — оқ, тушга яқин — оч қизил, тушда — тўқ қизил, шомда — яшил, кейинроқ — тўқ яшил, тонгга яқин эса — яна оқ рангда кўзга ташланади. "Оқ гул — айрилиқ рамзидир" деган ақидага зид, фақат оқ рангдалиги пайтида ифор таратади.*

*Аёл учун ифорли оқ гул ифорсиз қизил гулдан кўра ифорлироқ ва муҳаббатлироқдир. Ахир муҳаббатнинг ифори бор, айриликнинг эмас. Демакки, чўғдай қизил гулни кўриб кўзингиз чақнаб кетганда ҳам, бўздай оқ гул узра этингиз увишганда ҳам кўзлар жодусига ишонмасдан бир ҳидлаб кўринг — ИФОРИ БОРМИ?!*

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**"Андижон Телеком"** филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал директори **Мажид ҚОДИРОВ**ни қутлуғ 50 ёши билан муборакбод этади ва унга узоқ умр, тан-сиҳатлик тилаб қолади.

* * *

**"Сурхондарё Телеком"** филиали Денов телекоммуникациялар боғламаси жамоаси корхона алоқачиси **Любов СМЕТАНИНА**ни туғилган куни билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал — t.*
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
**Тел.:** 136-35-29. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** *orif@infonet.uz.*
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

468-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 8597 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 18.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.